

**Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича
ШАРТНОМА №0109
Лот №22110012071045**

Самарканд Шахри

2022 йил «06» Май

**Самарканд шаҳар тиббиёт бирлашмаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи
(муассаса номи)**

**Бабажанов Ахмаджон Султанбаевич (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади)
(Ф.И.Ш.)**

бир томондан ва ООО «Sam Muborak Servis» номидан Устав (ишончнома) асосида
(ташкилот номи)

Фаолият юритувчи директор Юсуфов У.Ю (кейинги ўринларда
(Ф.И.Ш.)

Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани
куйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган
хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар куни
Буюртмачини **Тиббиёт бирлашмага кир ювиш хизмати;**

(аутсорсерга ўтказилган хизмат номи)

ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена
нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш
жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига
олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил «06»майдан.

2022 йил «31» Декабргача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган
Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган хисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи
Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк хисоб-ракамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг
Хизматлар кўрсатилган деб хисобланади.

II. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер куйидаги хукуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулқдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳозлаш ва
таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан
чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукуқлар.

2.2. Аутсорсер куйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши,
носоз ҳолга келганда уларни ўз хисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнгин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари,
нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини
таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равища огоҳлантириш, ушбу
муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишини таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлик ҳажмда
кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартларига амал қиласдан, хизматлар

сифатининг ёмонлашувинг олиб келган барча камчиликларин Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўтилаши;

2.2.8. Хизматларининг сифатензлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари холати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аникланганиша, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниклангани камчиликларни бартараф этиш бўйича конуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, кўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш хукукини берувчи тегишли хужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган холларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг худудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя килиш мажбуриятини юклashi;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришини учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жихозлар, ишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда саклаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул килиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор килиш хақида Буюртмачини иккى ой олдин ёзма равища огохлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини ошириши) амалга ошириши (талаб этилган холларда);

2.2.16. Конун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи кўйидаги хукукларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиши;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор килиш тўгрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равища огохлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Конун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуклар.

2.4. Буюртмачи кўйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилиган ишларнинг йигма далолатномаси ва расмийлаштирилган хисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камидан бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вактинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Конун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

III. Хизматлар нархи ва ўзаро хисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи Беморлар руйхатдаги сонидан келиб ҳамда сонитар меёrlарига асосланган ҳолда 19 212 600 (Ун туккиз миллион иккى юз уни иккى минг олти юз)

(сумма сон ва сўз

билан)

сўмни ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро хисоб-китоблар бажарилиган ишларнинг йигма далолатномаси ва расмийлаштирилган хисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камидан бир марта амалга оширилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархлар асосида Буюртмачи кунидалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томоғидан имзоланидиган бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси тузилади ва хисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархси белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва хисоб-фактура олинигтан вактдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган микдорда тўланади.

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасига кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини хисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташабbusи билан кайта кўриб чиқилади.

IV. Томонларнишиг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вактида бажармаган холларда, Буюртмачига муддати ўтказиб

юбориилган ҳар бир күп учун мажбуриятиниг бажарилмаган қисмийнинг 0,5 фонд миндорида пени тұлаады, Бунда пенининг умумий сүммаси күрсатилмаган хизматтар ойлік нархининг 50 фондидан ошинасындағы көрсеткіштің 50%-дан аз болғанда оның 50% шамасынан мажбурияттегі бажарышдан өкінбенеңдіктерге қарастырылады.

4.2. Пени (жарима) тұлаш Томонларининг зерттесінде мажбурияттегі бажарышдан өкінбенеңдіктерге қарастырылады.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслығы өкінбенеңдіктерге қарастырылады. Томонлар Үзбекистон Республикасынинг Фуқаролық кодекси талабынан, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида»ги Үзбекистон Республикасы Қонуни ҳамда Үзбекистон Республикасынинг бошка норматив-хукукий хужожатларында назарда тутылган жавобгар бўладилар.

4.4. Буюртмачига ҳар чоракда бир маротаба кўрсатилаётгани хизматлариниг сифати, ижарага берилган бину ва ишшоотларининг холатини мониторинг ўтказишга (аутсорсеринг молиявий фаолиятнiga аралашмаган ҳолда) шаронитлар яратиш.

4.5. Томонларининг Мазкур Шартномада назарда тутылмаган жавобгарлик чоралари Үзбекистон Республикаси ҳудулида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофик кўлланилади.

V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

- 5.1. Мазкур Шартноманинг бажарышда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкони кадар Томонлар ўргасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.
- 5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўргасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмаидиган холатларда, Үзбекистон Республикаси қонунчилигинида назарда тутылган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомини амалга оширилгандан сўнг улар Үзбекистон Республикаси қонунчилигинида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

VI. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман өкінбенеңдік бажарилмаслығы учун, агар бундай ҳолатлар сингиб бўлмас куч, яъни табиии оғатлар, табиии ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатининг тегиши органдар томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўйи берган муддатга сурилади.

VII. Якуловчи қондалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириси ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларининг ваколатли вакиулари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларининг ҳеч бирин мазкур Шартнома бўйича ўз хукук ва мажбуриятларини бошка Томонининг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга берилбенди мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома иккита нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларининг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

8.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажарышда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қондаларга, шу жумладан амалдаги амалдаги қонуларга риоя этилишини таъминлайди, яъни улар, уларининг ходимлари, қафиликларини шахслар, бепифициациялари ва шартноманинг амалга оширишдаги ҳамкорларини, пурдатчилини томонидан бир-биринга өкінбенеңдік ташкилот ходимига пора бериш өкінбенеңдік ташкилот ходимига пора беришда воситачилик қилиш мөддий өкінбенеңдік наф олишдан тийинлиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

8.2. Томонлар коррупцияга қарши қондалар бузулганда өкінбенеңдік гумонлар юзага келганида дархол ёзма равишда (электрон почта орқали) өкінбенеңдік телефонни орқали бир-бириниң хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келгани холатта ойдиналил киритиш максадида ёзма изоҳ тараб қилиш хукукига эга ва мурожаатини олган томон 10 (үш) иш куни мобайнида тушинтириши берилши өкінбенеңдік ташкилотни билдириши мумкин.

8.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмагандан, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар баратараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатини пасайнишига олиб келмаса, бошка томон шартноманинг бекор қилиш хукукига эга өкінбенеңдік ташкилотни түхтатиб кўйинши мумкин.

8.4. Ушбу бобда ісўрасатилган асослар бўйича шартноманинг бир томонлами бекор қилиш таълоб қилилган томонга етказылган зарарларни конплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятлари ни бузгани томон эса шартноманинг бир томонлами бекор қилинишини оқибатида кўрнилган

зарарлар коплашни тараб қылышыга хакып Эмас.

IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва бир календарь йили давомида ёки муддатидан олдин беркор қишинингунга қадар амал қиласди.

IX. Томонлариниг манзили ва банк реквизитлари

«Аутсорсер»

«Буюртмачи»

ООО «Sam Muborak Servis»

Адрес: Самарқанд шаҳар Салиева кўч.

33 уй

Х/С: 20208000300937359001

ИНН: 305833748

МФО:00283

Банк: АИТБ «Илак ўгули» Самарканд шах.

Директор: Асуфов УЮ.



Ташкилот номи: Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси

Манзил: Огохий 54

Тел.: 66 239 02 24 Факс 66 239 02 24

СТИР коди: 201878974

Буюртмачининг Газна шахсий хисобвараги:

Шхв:100022860184017073310054005

Газначилик бўлинмаси номи: Сам ш газначилик бўлинмаси

Ягона Газначилик хисобвараклари
(ЯГХ):23402000300100004010 Банк номи: Марказий

банк Тош Ш МФО 00014



Газначилик бўлинмаси ИНН 2011229191

А.С Бабажанов



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
SAMARQAND VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
SAMARQAND SHAHAR YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

170800, Samarqand shahar, Kurchatov ko'chasi, 9-uy,
tel.: (998 66) 233 34 37, el.pochta: Samarqandyurmarkazi@mail.ru

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

SH A R T N O M A

“Buyurtmachi” “Samarqand shahar tibbiyot birlashmasi” hamda “Bajaruvchi” “Sam Muborak Servis” MCHJ tomonidan 2022-yil 28 apreldagi tuzilgan №-0109 sonli shartnomasi to‘g‘risida.

Kontraktning umumiyligi summasi 19 212 600,00 (Un tukkiz million ikki yuz un ikki ming olti yuz) so‘mni tashkil qiladi.

Mazkur kontrakt g‘aznachilik bo‘linmalarida majburiy ro‘yxatga olingan vaqtidan kuchga kiradi va 2022 yil 31-dekabrgacha amal qiladi.

“Buyurtmachi” “Samarqand shahar tibbiyot birlashmasi” hamda “Bajaruvchi” “Sam Muborak Servis” MCHJ tomonidan 2022-yil 28 apreldagi tuzilgan №-0109 sonli shartnomasi O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, “Xo‘jalik yurituvchi subektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi” to‘g‘risidagi qonun, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomilashtirish chora-tadbirlari to‘g‘sida”gi hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Davlat xaridlari to‘g‘risida»gi qonunini talablariga muvofiq tayyorlangan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Loyiha Samarqand shahar tibbiyot birlashmasi tomonidan 28.04.2022-yil tizimga kiritilgan.

2022-yil 29-aprel

**Samarqand shahar
Yuridik xizmat ko'rsatish
Markazi Bosh yuriskonsulti**



S.Haydarova